**Никоҳ кишилик жамиятининг биринчи поғонаси бўлса, оила унинг остонасидир. Эр-хотин оила ўчоғининг икки томири, тамал тошидир. Авлодларнинг кўпайиши, алмашиб туриши оилага бориб тақалади. Оилавий муҳаббат инсон зурриётини кўпайтирса, дўстона муҳаббат уни такомиллаштиради.**

1998 — Оила йили

# ЭНГ УЛУҒ ЗОТ КИМ ДЕСАНГ...

Яхши хотин билан умргузаронлик қилиш ҳаёт бўронларида бир паноҳдир. Яхши хотин жон малҳами, асли эркак зотининг буюк мураббийси. Жуфти ҳалоли билан ҳисоблашмайдиган эркак зотининг ўзи йўқ дунёда. Эр-хотинлик оилавий ҳаётда бўлганидек ҳаётда ҳам фақат ўткинчи ҳузур-ҳаловатдангина иборат эмас, у теппа-тенг мойиллик, ўзаро қизғин эҳтирос, зийнатлар ўхшашлигини ҳам тақозо этадики, жамиятга зарур бўлган бу талаб барча авлодлар учун муаммо бўлиб қолаверади. Оила қуриш, ўз ҳуқуқингни икки баравар камайтириб, зиммангга тушадиган мажбуриятни эса икки ҳисса оширишинг демакдир.

Муҳаббат, айрим кишилар ўйлаганидек, инсон ҳаётидаги никоҳ давригача бўлган ўткинчи воқеа эмас, бу умр савдоси, бутун ҳаёти давомида яшаб, мустаҳкамланиб борадиган муқаддас туйғудир. Жуфти ҳалолимиз, ҳаётимиздаги дўстимиз ва йўлдошимиздир, шу боисдан, биз уни ёши катта пайтида ҳам ардоқлашимиз керак, деган фикрга аввал бошданоқ кўникиб олишимиз даркор. Кимки аёл кишини ҳурмат қилса, ҳимоя қилса, фарзандларимизни ҳам ҳурмат қилган, ҳимоя қилган, демакки келажакни ҳам ҳимоя қилган бўлади.

Оила фароғатини тинч-тотув давом эттириш, эркакни оила бошлиғи деб билиш, унга севги ва ҳурмат билан боғланиш, фарзандларининг соғлиғи, тарбияси, ўқишига эътибор бериши, эрининг топган-тутганини исроф қилмаслик, жойига ишлатиш, уйнинг тартибли ва саришта бўлишига аҳамият бериш уй бекаси — аёлнинг вазифасидир. Эрига содиқ бўлиб, иффати, номуси ва шарафини асраш ҳам хотиннинг вазифасидир.

Оилада болалар билан кўпроқ бирга бўладиган, уларнинг юриш-туришидан огоҳ бўлиб турадиган зот онадир. Дунёга келиб илк бор кўз очганимизда онанинг муборак чеҳрасини кўрганмиз, иссиқ тафтини сезганмиз, меҳрини туйганмиз. Бизни авайлаб-асраб, кечалари мижжа қоқмай, тамшанганимизда кўкрагини тутган, бизни оқ ювиб, оқ тараган ҳам шу буюк сиймодир. Турли дардлар хуруж қилганда, бало-қазолар таҳдид солганда бизни ҳимоя қилиб қалқон бўлган, энг оғир дамларда жонини беришга тайёр турган улуғ инсон онадир. Дунёда она бағридан иссиқ, она нигоҳидан ёқимли, она қўлларидан меҳрибон, она алласидан севимлироқ туйғу бормикан! Ҳар бир инсоннинг онаси ҳам, Ватани ҳам биттадир. Уларнинг ўрнини ҳеч ким ва ҳеч нарса боса олмайди. Ҳар бир ўзбекдан бу дунёда энг улуғ зот ким деб сўрасангиз, онам дейди. Оила таянчи, ҳаёт, барча қувончлар манбаи — онани қанча улуғласак шунча оз.

Миллатнинг келажаги ҳам оналар қўлида. Одамзотнинг биринчи тарбиячилари — оналардир. Алломалардан бири «Бизга яхши оналардан беринг, фарзандларимиз яхши одам бўлиб етишади», деган экан. Болага рисоладагидек, яхши тарбия бериш учун она зарур дунёвий ва ухровий билимларга эга бўлмоғи керак. Ҳақиқий ва тўла инсоний фуқаролик ҳаёти билан яшаган билимдон, фаол онагина болаларни яхши тарбиялайди. Ўз бурчини болаларга хизмат қилиш билан чегаралаб қўйган аёл тарбияли она эмас, ўз болаларининг қулидир, холос. Боласини суйишни жониворлар ҳам билади. Уларни тарбиялай олмоқ , мустақил ҳаётга тайёрламоқ эса қобилият ва кенг ҳаётий билимларни, турмуш тажрибасини талаб этувчи давлат миқёсидаги буюк ишдир. Фақат турмуш ўртоғи ва ўз болаларинигина севишни биладиган, қолган бирор нарса ҳақида тушунчаси йўқ ва бошқа бир нарсага интилмайдиган аёл нотавон, кулгили ва аянчлидир.

«Онасини кўриб қизини ол» дейди халқимиз. Бу фарзанд тарбиясида онанинг тутган ўрни нечоғли катта эканлигини эътироф этади.

Жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, шўх-шодон, одобли, мушфиқ, меҳрибон оналаримиз авлодларни бир-бирига мустаҳкам боғлаб турадиган жонли ҳалқалардир.

*Мирза Анвар КАРИМОВ.*



*Дунёда оналик бахтидан аъло бахт бўлмаса керак. Ўзбекистон Республикаси «Ўзмаишийтехника» институтида иқтисодчи бўлиб ишлайдиган Дилфуза Латипованинг тўнғич қизи Мафтуна бу йил 1-синфни тугатди. Қизининг шодлигидан онанинг боши осмонда бўлса не ажаб...*

*СУРАТДА: Дилфуза Латипова қизи Мафтуна билан.*

*Равил Альбеков олган сурат.*

**Бу йил умумий ҳисобда 63 марта ўтказилган республика эркаклар чемпионати кўп жиҳатлари билан муҳим афзалликларга эга бўлди. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, бундай мусобақаларда биринчи марта тўрт нафар халқаро гроссмейстер иштирок этди. Бинобарин, мусобақа нуфузи ортди, баҳслар кескин тус олди. Яна шуниси эътиборга лойиқки, юксак унвон эгаларини маҳв этганлар орасида ёш иштирокчилар талайгина. Келинг, 64 катакда юз берган воқеалардан баъзи бирлари ҳақида мухтасар фикр-мулоҳазаларимиз билан танишинг.**

Шахмат

# РАҚОБАТБАРДОШ ҲАРИФЛАР БАҲСИ

Мусобақанинг олтинчи куни ўйналган И. Каримов — Д. Қаюмов партиясида андижонлик ёш спорт устаси мусобақаларда кам учрайдиган марказий дебютни ишга солди. Бунинг сабаби бор, халқаро мастер Дмитрий Қаюмов айни чоқда ҳам терма командамиз аъзоси, ҳам унинг бош мураббийси. Республика чемпионатларида 28 марта дона сурарди. Бу ўзига хос рекорд. Назарий билимлари ночорроқ Каримов амалиётда кам учрайдиган дебютда ўз омадини синамоқчи бўлди. Бир томонда бу тўғри тактика ўзини оқлади. Юриш сайин рақиб сипоқлари, айниқса оқларнинг доналари муҳим хоналарни эгаллай бошлади. Шоҳларга хавф-хатар туғила бошлади. Каримов аввал бир пиёдасини бериб, қора шоҳ жойлашган чекка вертикални очди. Кейин отини қурбон қилиб иккинчи руҳини ҳам ҳужумга ташлади. Кўп ўтмай қурбонлар кетидан қурбонлар берар экан, қора шоҳни қуршаб олди. Жангнинг якунловчи қисмида яна икки руҳини бериб, рақиб шоҳини 29-юришда антиқа мот қилди. Мана ўша вазият.



Бундай партиялар одатда кўп йиллар давомида бир бор юзага келади. Бундан минг йил бурун ёзилган Шарқ шатранж рисолаларининг бирида муаллиф:

— Рақиб шоҳига ҳужум қилаётганингда ўзингникини ўйлама. Мот қилиш йўлида ҳеч нарсангни аяма. Ахир, сулув қизга совчи қўйган томон қалинидан қочмайди-ку! — дейди.

Шу куни сирдарёлик ёш миллий спорт устаси Рамиз Қурбиддинов халқаро гроссмейстер Михаил Салтаев устидан эришган ғалаба ҳам анчагина шов-шувга сабаб бўлди. Гроссмейстер Сайдали Йўлдошевнинг спорт усталигига номзод Собир Умаровдан енгилганичи?!

Еттинчи турда халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов устидан салмоқдор зафар қучиб аҳволини яна ўнглаб олган Қаюмов пешқадамликда давом этган бўлса, Салтаевдан енгилган Иброҳим қаттиқ зарбага учраганлиги кейинчалик билиниб қолди. Қурбиддинов бу сафар гроссмейстер Сергей Загребельнийни ютиб, ҳаммани ҳайратга солди.

Саккизинчи тур республика чемпиони Рустам Қосимжонов учун бурилиш нуқтаси бўлди, ҳисоб. Мураккаб жанг унинг фойдасига ҳал бўлди. Қаюмов Сафинни ютди.

Навбатдаги тўққизинчи турда пешқадамлардан бири Загребельнийни енгган Қосимжонов ўзини бир поғонага кўтариб, ҳарифини анча пастлатди.

Мусобақа бошида ташланган қуръа тақдир тақозосига кўра ҳал қилувчи сўнгги турларда пешқадамларни ўзаро тўқнашувга мажбур этди. Бинобарин, кураш маррага яқин қолганда қизиб кетди. Шу аснода ёш гроссмейстеримиз Рустамнинг бутун салоҳияти юзага чиқди. Рақобатчиларни бирин-кетин маҳв этаркан, уларга тенглашиб олди, уч гроссмейстерга қарши ўйинда у атиги ярим очко йўқотди, холос.

Ўн биринчи турда Қосимжонов ажойиб тактикавий зарбалар кўмагида яна бир пешқадам-халқаро мастер Владимир Егин устидан зафар қучди. Бу унинг биринчи мағлубияти бўлди. Муҳим учрашувлардан яна бирида Загребельний Қаюмовдан устунлик қилди. Чемпионлик тақдирини сўнгги икки тур ҳал қилиши лозим эди.

Якунловчи 12-13-тур олдидан асосий рақобатчилардан бири Егинни енгиб, иккинчи ўринга чиқиб олган Рустам Қосимжонов 7 очко билан ҳали ҳам чемпионликдан умидвор эди. Унинг кетидан эса нақ тўрт киши изма-из келарди.

Ниҳоят ҳал қилувчи онлар ҳам етиб келди. Самарқандлик халқаро мастер Тоҳир Воҳидовга қарши қора доналарни сурган Рустам қандай бўлмасин ғалаба йўлларини ахтарар, рақиб эса ўз кучларини муҳим хоналарга ўрнаштириб, қораларнинг ниятига тўсиқ қўярди. Қосимжонов барча имкониятларни ишга солади, мақсад сари йўл бекилаверди. Охири бўлмади — етти соатлик курашлар оқибатида Рустам енгилди.

Шундай қилиб, икки хафталик мароқли баҳслар оқибатида 12 имкониятдан 8 очко жамғарган Сергей Загребельний учинчи марта республика чемпионлигига сазовор бўлди. 7 тадан очко тўплаган Д. Қаюмов, С. Йўлдошев, В. Егин ва Р. Қосимжонов иккинчи — бешинчи ўринларни баҳам кўрдилар. Шу тахлит улар июнь ойининг бошларида Қозоғистон пойтахтида бошланадиган навбатдаги жаҳон биринчилигининг минтақа турнирига йўлланма олдилар. 6,5 тадан очкога эга бўлган ёш спорт усталари Марат Жумаев билан Рамиз Қурбиддинов халқаро мастерлик учун биттадан баллга эга бўлдилар.

Аёллар чемпионатида ҳам кураш чакки бўлмади. Ғолиблик яна Рена Мамедовага насиб этди. У билан тенг — 8,5 очко олган халқаро мастер Ольга Ким коэффициентлар жадвалига кўра иккинчи ўрин билан кифояланди. Учинчи ўрин 16 яшар самарқандлик Ирода Ҳамроқуловага тегди — 7,5 очко. У биринчи халқаро мастерлик баллига ҳам эга бўлди. Мусобақанинг ёпилиш куни ғолибларга Ўзбекистон енгил саноат корпорацияси ҳамда давлат спорт қўмитаси таъсис этган қимматбаҳо совринлар ва дипломлар тантанали суратда топширилди.

Чемпионатларда ўйналган ажойиб партиялар ёшлар учун намуна хизматини ўтайди.

### ЭРОНДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Яқинда бу мамлакатда ўтказилган болалар ва ўсмирлар Осиё биринчилиги вакилларимиз учун жуда хосиятли бўлди. Тошкентлик Антон Филиппов 9 имкониятдан нақ 8,5 очко жамғариб, қитъа чемпионлигига эришган бўлса, самарқандлик Жўра Ҳамроқулов 10 ёшгача бўлган болалар мусобақасида 7,5 очко билан иккинчи ўринга кўтарилди, қашқадарёлик Анвар Ражабов эса 14 ёшлилар ўртасида олтинчи бўлди. 30 ёшгача бўлган ўсмирлар чемпионатида Иброҳим Ҳамроқулов ва қаршилик Ирина Тошмуродова курашни давом эттирмоқда.

*Мамажон МУҲИДДИНОВ.*

## «02»

**• 17 май, якшанба**

Миробод даҳасидаги хонадонларнинг бирида тонгги пайт ойна панжарасини номаълум шахс бузиб кириб, уй бекасининг «Филипс» мусиқа жамламаси, видеокамера, тўрт хил сариқ металлдан тайёрланган заргарлик буюмларини ўғирлайди. Милиция ходимлари томонидан жиноятни содир этган шахс ушланди ва аниқланди. Бу ёш йигит аввал судланган бўлиб, яшаш жойи номаълум. Ўғирланган нарсалар уй бекасига қайтариб берилди.

Кундуз куни «Отчопар» кийим-кечак бозорида номаълум бир шахс савдо растасидан 35250 сўмлик атторлик буюмларини олиб ғойиб бўлади. Лекин милиция ходимларининг тезкор ҳаракатлари орқали Гулобод мавзесида истиқомат қилувчи бу йигит ашёвий далиллар билан қўлга тушди.

**• 18 май, душанба**

Соат 16 дан 30 дақиқа ўтганда Муқимий кўчасида номаълум шахс аёлнинг қўлидан сумкасини тортиб олади. Сумканинг ичида паспорт ва 1147 сўм миқдорида пул бор эди. Бу жиноятни содир этган шахс милиция ходимлари томонидан ушланди. Унинг ҳеч қаерда ишламайдиган Қорақалпоғистонда яшовчи шахслиги аниқланди. Аёлга сумкаси, пули ва паспорти қайтариб берилди. Тергов ишлари давом этмоқда.

Бектемир тумани ички ишлар бўлимига Тошкент вилоятида яшовчи бир кимсадан ариза тушди. Аризада ёзилишича, «Сувчи» даҳасида жойлашган қаҳвахоналарнинг бирида кундуз куни унинг таниши — Тошкент вилояти масжидларидан бирида хизмат қилувчи имом-хатиб, унинг шахсий «ВАЗ-21063» русумли автомашинасини миниб кетади. Кейинги текширувдан маълум бўладики, у автомашинани ўз ихтиёри билан эгаллаб олгач спиртли ичимликни истеъмол қилади, сўнг машинани бошқариб уни уриб олади. Милиция ходимлари томонидан шу жиноятни содир этган гумондор имом-хатиб ушланди.

**• 19 май, сешанба**

Тунги пайт Миробод туманида жойлашган бир қаҳвахонанинг эшигини номаълум шахс бузиб кириб у ердан 10 минг сўм пул ва озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирлайди. Шу жиноятни содир этган шахс милиция ходимлари томонидан ушланди. Аниқланишича, бу шахс ҳеч қаерда ишламайдиган бўлиб бир неча марта ушланган. Яшаш жойи ҳам ноаниқ. Унга қарши жиноят иши қўзғатилди.

Соат 17.30 да туманлараро коррупция, рэкет ва террорчиликка қарши кураш бўлими ходимлари томонидан давлат солиқ инспекциясининг икки ходими ушланди. Улар хусусий фирманинг ёпилиши ҳақида ҳужжатларни расмийлаштириш учун 500 АҚШ доллари ва 17500 сўм миқдорида пора олишган эди. Эндиликда қонунни бузганликлари учун уларга нисбатан ҳам жавобгарлик белгиланади.

**• 20 май, чоршанба**

Соат 14.00 да «Қора-дори-98» тадбирини ўтказишда жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан Сирғали туманидаги хонадонларнинг бирининг ҳовлисига экилган 10 туп ёввойи гиёвандлик моддаси аниқланиб, йўқ қилинди. Хонадон соҳиби ҳеч қаерда ишламайдиган шахс. Ҳозир унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

**• 21 май, пайшанба**

Эрталаб соат 05.30 да Юнусобод туманида номаълум шахс «ГАЗ-53» русумли чиқинди ташлайдиган машинани ўғирлаб кетади. Милиция ходимларининг ўтказган тезкор тадбири натижасида жиноят «иссиғида» очилди. Жиноятни содир этган шахс ҳеч қаерда ишламайдиган шаҳримизнинг фуқароси бўлиб чиқди.

Тошкент шаҳар ИИББ коррупция, рэкет ва террорчиликка қарши кураш бошқармаси ходимлари томонидан пойтахтимиздаги корхоналардан бирида бош бухгалтер лавозимини вақтинчалик бажарувчи шахс 40 минг сўм миқдорида пора олаётганида ашёвий далил билан қўлга олинди. Маълум бўлдики, у олий ўқув юртларидан бирида таълим олаётган талабадан ҳайдовчи бўлиб ишга жойлашиш учун шунча миқдорда пул сўраган. Ҳозир тергов ишлари давом этмоқда.

**• 22 май, жума**

Тошкент «Отчопар» буюм бозорида эрталаб соат 08.00 да номаълум шахс Тошкент вилоятилик савдо билан шуғулланувчи шахсга юкларини элтиб қўйишини айтиб, алдаш йўли билан 68500 сўмлик molларни олиб кўздан ғойиб бўлади. Милиция ходимлари томонидан шу жиноятни содир этган шахс аниқланиб, моллар эгасига қайтарилди. Фарғона вилоятидан келиб жиноят содир этган ушбу кимса ҳам қонунларимизда кўзда тутилган жавобгарликка тортилади.

Тунги пайт номаълум шахслар Ҳамза туманидаги 9-дўконда панжараларни қайириш йўли билан ўғирликка тушишади. Дўкон ичига кириб у ердан 100000 сўмга яқин спиртли ичимликларни дарвоза қулфларини бузиб кўчада олиб кетишаётганда қўриқлаш ходимлари томонидан қўлга олинди. Уларнинг бири 17 ёшда, иккинчиси 18 ёшда, муқаддам судланган шахслар бўлиб чиқишди. Начора... Қилмишлари учун энди яна жавоб беришади.

**• 23 май, шанба**

Тошкент шаҳар ИИББ жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан шаҳримиздаги фирмалардан бирида директор лавозимида ишловчи шахс қўлга олинди. У «ВАЗ-2121» русумли автомашинага қалбаки ҳужжатлар тўғрилаб сотмоқчи бўлганди. Ашёвий далил сифатида қалбаки ҳужжатлар тортиб олиниб, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Тошкент «Отчопар» бозорида кундуз куни соат 15.30 да номаълум бир шахс Қозоғистон фуқароси бўлмиш аёлнинг қўлидан чарм сумкасини тортиб олди, сумканинг ичида кўзойнак билан шахсий нарсалар бор эди. Шу жиноятни содир этгач у яна қозоғистонлик бир аёлнинг бўйнидаги сариқ металлдан ясалган заргарлик буюмини тортиб олади. Жиноят «иссиғида» милиция ходимлари томонидан очилиб, жиноятчи ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

*Тошкент шаҳар ИИББ матбуот гуруҳи ходими Равшан РЎЗИЕВ тайёрлади.*

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

19 июнь 1998 й.

“ЎЗБЕКНАВО” ГАСТРОЛЬ-КОНЦЕРТ БИРЛАШМАСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЧЕРНОБИЛЧИЛАР АССОЦИАЦИЯСИ
“ТУРКИСТОН” САРОЙИ (ёзги бино)
СИЗ СЕВГАН САНЪАТКОРЛАР

**“ЭСТРАДА ЮЛДУЗЛАРИ — ЎЗБЕКИСТОН ЧЕРНОБИЛЧИЛАРИГА”**

МАХСУС ДАСТУРИДА:

Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева

Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров ва “ЯЛЛА” ансамбли

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кумуш Раззоқова
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Обид Асомов
Нодира Султонова , “ОСМОН”гуруҳи,
Мавлуда Асалхўжаева ва Ровшан Комилов,
Даврон Ғоипов,
Бахтиёр Султонов, Озода Нурсаидова
Отабек Мадраҳимов
“БАЙРАМ” ва “ШАҲЗОД”гуруҳлари,
ҳамда
“ЎЗБЕКИСТОН”ансамбли.

Бошланади 19.00.

Дастурни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўткир Сиддиқов олиб боради.

Ахборотни таъминловчи: “ПрессТИЖ”ва “Шарқ ПрессТИЖи”журналлари, “БВВ”, “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталари.

Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади. Чипталар “Туркистон” саройи кассаларида сотилмоқда. Мурожаат учун телефонлар: 34-99-45, 45-49-56.

## ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**ОЧИҚ ТУРДАГИ «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG’I» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

Тошкент шаҳрининг Уйғур кўчасидаги 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12-уйларда, генерал Узоқов кўчасидаги 1, 1-А, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12-уйларда, Беруний кўчасидаги 1 ва 2-уйларда, «Марказ-15» мавзесидаги 1, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 11, 12-уйларда истиқомат қилувчи аҳолига

**ТЕЛЕФОНЛАР ЎРНАТИБ БЕРИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГАДИР.**

Шу хусусда очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog’i» ҳиссадорлик жамиятининг Собир Раҳимов филиалига — манзили — 29-АТС, Ўразбоев кўчаси, 21-уйга мурожаат қилиш мумкин. Маълумот учун телефон: 29-50-46.

**Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog’i» ҳиссадорлик жамияти.**

## ТАШКИЛОТГА

**ўзбек ва рус тилини биладиган, компьютерда ишлаш тажрибасига эга бўлган матн кўчирувчи КЕРАК**

**Тошкент шаҳар, Миробод кўчаси, 17-уйдаги кадрлар бўлимига мурожаат қилиш керак.**

**Маълумот учун телефон: 54-17-53.**

**Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog’i» ҳиссадорлик жамияти.**

## ҚУТЛАЙМИЗ!

*Ҳурматли отажонимиз Сунnatилла Баҳодирович РАСУЛОВ!*

*Сизни таваллудингизнинг 60 йиллиги билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Онажонимиз билан қўша қариб юришингизга тилакдошмиз.*

*Эҳтиром ила: Сурайё, Абдусамат, набираларингиз Сайёра ва Нодирбек.*

Тошкент оқшоми

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунларни, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.**

**Факс: (3712) 133-29-09.**

**МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.**



Тошкент оқшоми — Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-085. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6. ❖ Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.